



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 17-aprel № 47 (3084) seshanba

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш буйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти «Ангрен» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Ангрен» МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Ер-геодезикадастр» давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ангрен» махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ангрен» махсус индустриал зонаси таркибига киритилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита тасарруфига бўлади.

2. Қуйидагилар «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш буйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиш учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини янада чуқурроқ

қайта ишлаш буйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш; махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустақам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизда юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, «Ангрен» логистика маркази салоҳиятини, юқори автомобиль ва контейнерларда ташвиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламада фойдаланиш таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки: «Ангрен» махсус индустриал зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Ангрен» МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудига махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

«Ангрен» МИЗ қатнашчиси мақоми «Ангрен» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилди.

4. «Ангрен» махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ тарихда ташкил қилинсин.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

корхоналарга «Ангрен» МИЗ қатнашчиси мақоми бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш; «Ангрен» МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, ҳўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг «Ангрен» МИЗ фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни

«Ангрен» МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати буйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

«Ангрен» МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, «Ангрен» МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш буйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. «Ангрен» махсус индустриал зонаси қатнашчилари: юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар буйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилди, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилди.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ангрен» махсус индустриал зонанинг Маъмурий кенгаши қарорлари буйича белгиланган тартибда «Ангрен» МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин: биринчи навбатда соғим саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига улашни учун барча зарур рухсатномаларни «бир дарча» тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Ангрен» МИЗда қатнашувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар учун «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АҚ, Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб бериувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига тўлаштирган ҳолда қофоллати улашини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АҚ, «Ўзавтотўл» АҚ, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудига транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ангрен» МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш буйича қарор қабул қилсин, унда «Ангрен» махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда «Ангрен» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 13 апрел

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

Айни кунларда меҳнат муҳофазаси буйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан 2010-2011 йилларда «Энг яхши касоба уюшма қўмитаси», «Энг яхши корхона» ва «Энг яхши меҳнат муҳофазаси буйича вакил» номинацияларига муносибларни танлаш учун республика кўрик-танлови якунлари кўриб чиқилмоқда. Аънамага кўра, голиблар Федерация Кенгашининг диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Меҳнатни муҳофазаса қилиш

Эртанги иш кунини хотиржамлик билан кутиб олиш деганидир

Бунда «Меҳнатни муҳофазаса қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги давлат сийёсати даражасида белгилаб қўйилганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, касоба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланган Бош келишувда, хусусан, ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шахсий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш, меҳнат муҳофазаси буйича мутахассисларни тайёрлаш ва меҳнат муҳофазаси соҳасида узлуксиз таълим тизимини ташкиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида ўзаро келишиб олинганлиги ҳамда муҳим рол ўйнайди, албатта.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2011 йил 21 июлдаги қарори билан касоба уюшмаларида меҳнатни муҳофазаса қилиш хизмати ташкил этилди ва унинг Низоми тасдиқланди. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар касоба уюшма ташкилотлари бирлашмалари малакали мутахассислар билан тўлдирилди.

Жамоатчилик назорати тартибиде 2011 йилда меҳнат муҳофазаси буйича 7582 та корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганиб чиқилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Яъни, иш берувчилар ва касоба уюшма қўмиталари раисларига 3462 та тақдимнома киритилиб, аниқланган 31,6 мингга яқин меҳнат муҳофазаси буйича қоида ва меъёрлар бузилишларининг 20 мингга яқини бартараф этилишига эришилди.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниши оқибатида ходимлар соғлиғига етказилган зарар тўловларининг тўлиқ қоплиниши буйича низоларнинг судда кўриб қилинишида иштирок этилиб, 56 нафар ходимлар ва бокувчисини йўқотган шахсларнинг манфаатлари ҳимоя қилинди.

Меҳнатни муҳофазаса қилишга доир 82 та меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва

келишиб олишда, шунингдек, 98 марта ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари, 85 марта ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссиялари ва 122 марта тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ишларида фаол қатнашилди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги тўғрисидаги таъминланган зарар қоплаши ҳамда ходимнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофазаса қилинишига доир ҳуқуқлари камситилган 16 та ҳолатда касоба уюшмалари ўз ташаббуси, шунингдек, ходимларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, давво аризалари билан судга мурожаат этилди.

Корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида 2011 йил учун меҳнат муҳофазаса буйича режалаштирилган 309,4 мингта чора-тадбирлардан салкам 280 мингтаси бажарилган бўлиб, уларни амалга ошириш учун 93,5 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Бу, ўз навбатида, корхоналарда ходимларга нормал меҳнат шароитлари яратиб берилишига ҳамда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ошишига олиб келди.

Булардан ташқари, Федерация Кенгашининг меҳнатни муҳофазаса қилиш бўлими томонидан 2012 йилнинг ўтган даврида Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари касоба уюшма органларига меҳнат муҳофазаси буйича амалий ёрдам берилди, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ўтказилган давра суҳбатларида иштирок этилди. Бухоро вилоятида шу йилнинг 4 апрелида вилоят корхона ва ташкилотларининг 46 нафар меҳнатни муҳофазаса қилиш буйича муҳандислари ва касоба уюшма қўмиталари раислари билан ишлаб чиқариш хавфларини аниқлаш ҳамда уларнинг ходимларга таъсир этиш эҳтимоли ва таъсир даражаси тўғрисида семинар машғулотли ўтказилди.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Baht-teile» қўшма корхонаси 2006 йилда рўйхатга олинди, фаолиятини 2007 йилда бошлаган эди. У 8400 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, Германия, Швейцария, Италия, Туркиядан келтирилган замонавий технология ёрдамида уч хил усулда трикотаж ва газлама матолар учун мўжамланган 12 турдаги калава ип ишлаб чиқармоқда.

ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

— Истикболли режалар асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиб, Устав фондимиз 7 миллион 369 минг АҚШ долларини ташкил этди, — дейди корхона раҳбари Қобил Турсунов. — Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган маҳсулотнинг асосий харидорлари Россия, Хитой, Туркия каби давлатларнинг йирик ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳисобланади.

Қўшма корхонанинг ишга туширилиши натижасида вилоят экспорт салоҳияти ошди. Янги иш ўринлари барпо этилди. Фаолиятини 90 нафар ишчи-хизматчи билан бошлаган корхонада ҳозир 485 киши меҳнат қилмоқда. Асосийси, ишга жалб этилганларнинг 90 фоизи коллеж ва лицейни битирган йигит-қизлардир.

2010 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2007 йилга нисбатан 2,5 баробарга, эркин алмаштириладиган валютада маҳсулот сотиш эса 3,1 баробарга ортиди. Шу йиллар давомида қўшимча равишда 4 миллион 478 минг АҚШ доллари миқдорда замонавий технологик жиҳозлар

ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 38,5 фоизни ташкил этиб, ишлаб чиқариш ҳажми 2891 тоннага етказилди. Амалдаги нархларда 15 миллиард 466 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Буларнинг қарийб барчаси эркин алмаштириладиган валюталарда сотилади. Жорий йилнинг январ ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 540 тоннага етказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114 фоиз ўсишга эришилганлигини англатади.

Корхона цехларида меҳнат қайнайдми. Бунда Германияда ишлаб чиқарилган технология, айниқса, қўл келмоқда. Гап шундаки, узилган калава ипини ўзи улайди, ипнинг сифатсиз, сарик рангли жойларини ҳам кесиб ташлаб, улаб кетаверади. Бир кунда 15-20 тоннагача калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Иш учун сменада ташкил этилганликги сабабли ҳам ускуналар бекор туриб қолмайди.

Исроил ХОЛБОВЕВ,
Мансур АЛОВУДИНОВ,
журналистлар



Корхона қуввати ошади

Самарқанд вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, маҳаллий комашёдан харидоригр маҳсулотлар тайёрлаш ҳажминини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят марказидаги «Халкамиг мех» масъулияти чекланган жамияти ана шундай иқтисодий салоҳияти ошиб бо-



раётган корхоналардан. Бу ерда ўн беш турдаги юқори сифатли дубоабалар ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқаришни ички бозор талабларига мувофиқ йўлга қўйган корхонада 195 кишининг бандлиги таъминланган.

2011 йили корхонада 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 7

миллиард сўмдан ошириш режалаштирилган. Шунга кўра йил охирига қадар яна элликта иш ўрни очиб мўжамланмоқда.

Суратларда: Самарқанд шаҳридаги «Халкамиг мех» масъулияти чекланган жамиятида ишчи Азиза Баратова; корхона ишчиси Феруза Ҳалимова. Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Маҳсулдор чорва кўпаймоқда

Аҳолини зарур истеъмол моллари, озиқ-овқат, гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор самаралари бугун бозорларимизда ўзифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори гўшт ва сўт маҳсулотларининг кўпайиши, нархларининг барқарор сақланишида муҳим омили бўлаётди.

Ушбу қарорга биноан наслчиликка ихтисос-

лашган ҳўжалик ва қорхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши маҳсулдор қорамоллар сонини кўпайтириш, қорхоналарни замонавий жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга хизмат қилаётди. «Узнасчилик» қорхонаси томонидан ҳам чорва моллари зотини янада яхшилаш, наслчилик ҳўжаликлари ва зооветеринария пунктларини маҳсулдор уруғлар билан таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилаётди.

Суратда: (чапдан) лаборатория бошлиғи Алишер Нуранов, технологлар Раъно Назарова ва Мапрат Дадабоева

Аскар ҲУБОВ (Ўза) олган сурат

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИДАН

Бундай имконият туғилган пайтда кимдир стадионга, яна биров маданият саройига йўл олади. Беихтиёр савол туғилади. Жойлардаги касабани уюшма ташкилотлари меҳнаткашларга бу борада қандай шароит яратяпти? Республика транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгашининг бўлим мудири Азимжон Мирзажонов билан суҳбатимиз шу мавзуда кечди.

— Айни вақтда тармоғимизда 1543 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 181 минг 952 нафар аъзони бирлаштирган. Маълумки, ҳар бир ишчи-хизматчи бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади. Шунга кўра, бошланғич ташкилот етакчилари томонидан уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда турли тадбирлар ўтказилапти. Қорхона, ташкилот ва муассасаларда адабиёт, санъат намояндалари, олимлар билан учрашув ва давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Ҳар ҳафта «Маънавият соатлари»да мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгариш ва янгиликлар юзасидан маърузалар тингланаётди.

— Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон мушаккиллакка эришиш оstonасида» асарининг чоп этилиши расурийлик мазнавий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди...

— Яқинда тармоқ касабани уюшмаси Марказий кенгаши

Бўш вақт

УНИ КИМ ҚАНДАЙ ЎТКАЗМОҚДА?

томонидан ўтказилган ўқув-семинарда тизимдаги агентлик, компаниялар, уюшмалар касабани уюшма кўмиталари раислари ва фаоллари иштирок этишди. Семинарда «Ўзбекистон мушаккиллакка эришиш оstonасида» китоби атрофида таҳлил қилинди, унинг ижтимоий аҳамияти, илмий-назарий қиммати тўғрисида маърузалар тингланди.

Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Андижон, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида ҳам шундай семинарлар ташкил этилди.

— Тармоқ меҳнаткашларининг ишдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш касабани уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан

ҳисобланади. Бу борада қандай ишлар олиб боришмоқда?

Тизимимизда ташаббускор етакчиларнинг кўпчилиги кишини қувонтиради. Тошкент шаҳрининг 2-, 3-трамвай деполари, «Мерседес-Бенц» техник маркази, «Ўзшарҳарсозлик ЛИТИ» давлат унитар қорхоналарида бу йўналишда яхши натижага эришилмоқда.

Ишчи-хизматчиларни спортга кенг жалб этиш фаолиятимизда катта ўрин тутади. Жумладан, тармоқ касабани уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан «Аҳмад Ал-Фарғоний» дам олиш уйида ўтказилган спартакиадада иштирокчилар шахмат-шашка, дартс ва арқон тортиш бўйича

беллашишди. Шундай спорт мусобақалари «Қувасойемер», «Қувасойишфер», «Фарғонаавтотрансхизмат» қорхоналарида ҳам ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати жорий йилнинг бошида «Касабани уюшма ташкилотларида туризминни ривожлантириш

тўғрисида» қарор қабул қилганди. Айнан ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида 353 нафар аъзозимизнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳати уюштирилди.

Дарвоқе, апрел ва май ойлари спорт тадбирларига бой бўлади. Масалан, жорий йилнинг апрел-май ойларида касб-хўна қоллежлари талабалари ўртасида мини футбол (йигитлар), волейбол бўйича (қизлар) мусобақалари, шунингдек, Мустақкам оила йиллига бағишлаб «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» оилавий тармоқ спартакиадаси ўтказилади.

Суҳбатдош: Незмат РАҒИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Давоми. Боши 1-бетда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Шўртан газ-кимё мажмуаси унитар шўба қорхонасида жамоа шартномаларининг 2011 йилда бажарилиши юзасидан ўтказилган конференцияларда ҳам ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, 2011 йилда ҳудудий бандлик дастурлари амалда оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёзлар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги қорхоналар ташкил этиш, қасаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобига тўғри келади.

рим ҳолларда уларнинг сифатсиз ишлаб чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сонли қарори билан тасдиқланган «Мажбурий тартибда сертификатланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати» мавжуд бўлиб, айнан шунга кўра ушбу масалани кўриб чиқиш учун «Ўзстандарт» агентлигига қатор тақлифлар киритилди.

Меҳнат кодекси ва меҳнатни муҳо-

ҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунлар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этган ҳолда иш берувчилар билан қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориладиган ишларни назорат қилиб боришда фаоллиқни янада кучайтиришни таъзим қилади.

— қорхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ходимларга яратилган меҳнат ва маънавий шароитлар аҳолини жамоатчилик тартибидида назорат қилишда хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси оид амалдаги қоида, меъёрлар бузилишини бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва

билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга белгиланган меъёрларга мос равишда сифатли маҳсул кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювчи ва дезинфекциялаш воситалари, сўт ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг белул берилиши;

— хавфсизлик техникаси хоналарининг маҳсул адабиётлар, йўриқномалар, суратлар, макетлар, кўргазмалар куруллар ва ортгетика воситалари билан жиҳозланган ҳолда ташкил этилиши зарур.

Президентимиз таъкидлаганларидек, республикадаги йирик қорхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги 37 мингга яқин асбоб-ускуна ҳамда технологияларни жаҳон миқёсида синовдан ўтган, замонавий турларга алмаштириш лозим.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Низом талабларини бажариш мақсадида барча қорхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳолати ҳамда ходимларга яратилган меҳнат шароитлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва комиссияларнинг фаолиятини таъминлаштириш, касабани уюшма фаолларининг ўқишларини ташкил қилиш, жойларга чиқиб, бошланғич касабани уюшма кўмиталарига меҳнат муҳофазаси ма-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ИШОНЧ — ТАШАББУСГА ҚАНОТ

«Дўстлик дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти билан қорхона касабани уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2011 йилдаги ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Жамоа бошқаруви раиси Ҳ.Нурбоев таъкидлаганидек, қорхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, ўтган йилда ёрдамчи ҳўжаликка 18 бош қорамол сотиб олинди. 13 гектар экин майдонига 3990 туп мевали кўчат экилиб, бог барпо этилди. Бундан ташқари, қорхонага қарашли биологатория томонидан фермер ҳўжалиқларида 73 миллион сўмлик биомасулот етказиб берилди. Умуман жамоа йилни 116.290 минг сўмлик соф фойда билан якунлади.

Шунингдек, қасаначиликка алоҳида эътибор қаратилиб, турли йўналишларда 39 киши доимий ишли бўлди. Қасаначилар қорхона ҳисобидан 4,6 миллион сўмлик ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 54.354 минг сўмлик моддий ёрдам, саломатликларини мустақамлаш, дам олишларини ташкил этиш учун 14.400 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Кам таъминланган ходимларга яшаш шароитини яхшилаш, уй-жойини таъмирлаш ва уй қуришда ёрдам кўрсатилиб, уларни қорамол, парранда билан таъминлаш, арзонлаштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил қилиш учун 8,5 миллион сўм сарфланди. Ходимларнинг олий ўқув юрталарида шартнома асосида таҳсил олаётган фарзандларига 7,2 миллион сўмлик шартнома пули ўтказиб берилди.

Касабакўм раиси О.Исаев ижтимоий шериклик тамойили тобора кенг қамров касб эътабтани ҳамда қорхонада меҳнат қилаётган 50 нафар аёлнинг меҳнат шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади. Улар учун шахсий гигиена хоналари ажратилган, ҳомилдор ёки боласи икки ёшга тўлмаган аёлларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексидида белгиланган имтиёзлар тўла татбиқ этилган.

Маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилиб, зарур адабиётлар, кўргазма ҳамда техник воситалар билан таъминланганлиги ҳам айни муддао бўлди. Ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратилди. Спорт зали, спорт майдони ҳамisha гавжум, шахмат-шашка тўғраги мунтазам ишлаб турибди. Жамоа ўтган йили туман мусобақаларида футбол бўйича биринчи, волейбол бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Мавзу юзасидан сўзга чиққанлар жамоа шартномаси бандлари ижросига доир муҳоза ва тақлифларни ўртага ташлашди. Жумладан, ишчи А.Баротов шундай деди: — Қорхонада икки йилдан бўён меҳнат қилман. Иш бошлаган дастлабки йиллик бўён уйлантиришига тўғри келди. Минг бир истиқола билан касабакўм раисига маслаҳат солдим. Тўйимга Олимжон Исаевнинг ўзи бош-қош бўлиб, ўтказиб берди. Касабани уюшмасининг моддий ва маънавий кўмағидан оиламиз аъзоларининг боши осмонга өтди.

Анжуманда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Меҳнатни

муҳофаза қилиш

Эртанги иш кунини хотиржамлик билан кутиб олиш деганидир

фаза қилиш тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда жамоа шартномаларида белгиланган ўзаро мажбуриятларни ташкилий ва молиявий таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, улар тасарруфидидаги ҳудудий бошқарув идораларининг роли катта аҳамиятга молик.

Ишчи, бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий таъминланадиган (Давлат муассасалари, Соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳалардаги) қорхона, ташкилот ва муассасаларда маҳсул кийим, маҳсул пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, сўт ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситалари учун кўзда тутилган маблағларни ўз вақтида молиялаштирилиши касабани уюшма кўмитаси ва қорхона ёки унинг юқори ҳўжалик органлари ўртасида имзоланган Худудий келишувлар орқали амалга оширилиши бугунги кун талабига айлана бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бахтсиз ҳодисалар инсон саломатлигига зарарли ва хавфли бўлган эски технологиялар қўлланиб келаётган қорхоналарда иш берувчилар фойданинг кетидан қувийи, меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирларни молиялаштиришни қсқартириб юборганлиги тўғрисида ҳам нисбатан кўпроқ содир бўлмоқда.

Шароитнинг ўзи касабани уюшмалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари Меҳнат кодекси, «Касабани уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Меҳнатни му-

амалга оширилиши;

— болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойлиқ чоралар тўғрисидаги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 182-конвенцияси, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги ХМТнинг 138-конвенциялари ижро этилиши;

— қорхонада меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланганлиги, улар фаолиятининг ташкиллаштирилиши, кейинчалик уларнинг ўқитилиши ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билимининг текширилиши;

— иш жойларидаги зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ўрнатилган меъёрларга қамайтирилиши, бунинг учун мавжуд вентиляция ва аспирация тизимларининг самарали ишлаши, жамоа ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилиши;

— зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини қамайтириш ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари олдини олиш мақсадида иш жойларини аттестациядан ўтказилиши;

— санитария-маиший хоналар ва қурилмалар ҳолатининг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши;

— иш жойларининг хавфсизлик техникасига доир йўриқномалар билан жиҳозланиши, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқлардан ўз вақтида ўтказилиши, белгиланган тартибда хавф-хатарсиз иш усуллари бўйича ўқитилиши ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билимларининг текширилиши;

— меҳнат шароитлари ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланган

2012 йил — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Остонаси тилмо макон ўғитлари

Миллий урф-одатларимизни ёш авлод онгига чуқурроқ сингдириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги қарашларни мустаҳкамлаш мақсадида кенгашимиз томонидан қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида мавзуга доир давра суҳбатлари ташкил этиш юзасидан вилоят кенгашининг раёсат қарори қабул қилинган бўлиб, унга асосан вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, адлия, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда «Камолот» ЕИҲ билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилляпти.

Наманган муҳандислик педагогика институтига уюштирилган давра суҳбати мунозараларга бой бўлди. Айниқ-

са, республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган филиали ходими Анвар Алихоновнинг эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги маърузаси талабаларда катта қизиқиш уйғотди. ФХДЭ ходимлари катта қизиқиш уйғотди. Бугунги давра суҳбатида афрофлича жавоб қайтаришди.

Наманган Давлат университетига бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам талабаларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланди.

— Эрта никоҳнинг салбий

оқибатлари ҳақида умумий тасаввурга эга эдик, — дейди НамДУ жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети талабаси Гулнора Акрамова. — Бугун эса нафақат шу мавзу, балки соғлом оилани қарор топтиришнинг шартлари ҳақида ҳам етарли маълумот олдик. Айниқса, ФХДЭ ходимларининг оилавий ҳолатларни ҳужжатлаштиришдаги суст-кашлик қандай салбий ҳолатларни келтириб чиқариши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари катта қизиқиш уйғотди. Бугунги давра суҳбатида айтилган муҳим янгиликларни уйимдагилар, яқинларим, дугоналаримга етказаман.

Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, ёшлар энг яхши тарғиботчи саналади. Қолаверса, оила қуриш остона-

сида турганлар тўғри маслаҳат ва кўрсатма берувчи инсонга хамиша эҳтиёж сезадилар. Шу мақсадда вилоят таълим муассасаларида «Янги ҳаёт бўсағаси» деб номланган қизлар ва йигитлар клубини ташкил этиш учун Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олий таълим муассасалари ва касба уюшма кўмиталарининг қўшма йиғилиш қарорлари тайёрланди. «Намунали ёш оила» кўрик-танловининг шаҳар, туман ва вилоят босқичларини ўтказиш мақсадида хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилди.

Оила — жамиятнинг маънавий пойдевори, миллиятнинг тақдир ва келажаги. Оила муҳитининг соғломлиги, жа-

миятнинг соғломлигига замин яратди. Конституциямизда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турли имтиёзлар бериш, уй-жой билан таъминлаш масалаларига доир махсус дастурлар амалий жиҳатдан ўз ифодасини топмоқда. Бугун юртимизда ҳар бир оилга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, бу борадаги илчил ислохотлар ҳалқимиз турмуш фаровонлиги, жамиятимиз тараққиётини юксалтиришга хизмат қилади.

Акмал УМАРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Севишиб оила қурганимиз. Ўтган йили ноябр ойида тўйимизга 12 йил тўлади. Бироқ шу пайтгача фарзанд кўрмадик. Докторлар иккимизнинг ҳам соппасоғатимизни айтишди. Бошқа оила кўрсак, фарзандли бўлишимиз мумкин экан. Бироқ турмуш ўртоғим бунга қўнмади. Бола боқиб олишга қарор қилдик. Бола асраб олиш тартиблари тўғрисида маълумот берсангиз.

НАСИБА,
Тошкент шаҳри.



Фарзандликка олишга вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинингизга кўзлаб йўл қўйилди.

Бу, болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомилийк органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчи фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан қўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомилийк органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомилийк органининг эркига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортилади.

Мамлакатимиз Оила кодексининг 154-моддасига биноан фарзандликка олишда қуйидагилар устуллик ҳуқуқига эга бўладилар:

— турар жойдан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари;
— фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс; ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;

— ўғай ота ва ўғай она;
— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

— Ўн ёшга бўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомилийк органи томонидан аниқланади.

Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса, уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Васийлик ёки ҳомилийкдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомилийнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шунингдек, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг ҳақиқий ота-онаси розилиги ҳам талаб этилади.

Боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинishiга розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомилийк органига ҳавола қилишлари мумкин.

Боланинг фарзандликка олинishiга ота-онанинг розилиги ёзма шаклда баён этилиши керак.

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақлидир.

Бундан ташқари, мазкур кодекснинг 160-моддасида ҳақиқий ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган:

— ота-онанинг қилмиги номаълум бўлганида, ота-она отоналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинганда, ота-она бир йилдан ортқ мuddат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, фарзандликка олиш ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

Ушбу кодексга асосан давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онаси розилиги талаб этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

«Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт» бўлими

Банк ва ахборот технологиялари

Марказий банк томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ахборот технологиялари ассоциацияси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича «BankExpos — 2012» миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Анжуманда республикамизнинг барча тижорат банклари, Лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи суғурта компаниялари ўз хизматлари билан иштирок этди.

Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад, банк тизимининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида кенг жа-

моатчиликни хабардор қилиш, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш шартлари ва курсатилмаётган хизматларни ёритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати, мамлакатимиз банкларининг молия ҳамда бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси

билан кенг таништиришдир. Кўргазма давомида таклиф этилаётган янги хизматлар, жумладан, янги омонат турлари ва кредит маҳсулотлари барчада қизиқиш уйғотди.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон банк-молия соҳасининг янги замонавий технологиялари ва хизматлари, хусусан интернет банкинг, мобайл банкинг, замонавий пул ўтказмалари, банк, молия муассасалари учун ахборот технологиялари, пластик карталар билан ишлаш ҳамда уларнинг афзалликлари хусусида ахборотлар берилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири



Термиз шаҳрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Мулкдор оила — фаровон жамиятимиз пойдевори» мавзуда форум бўлиб ўтди. Суратда: форум иштирокчилари. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

БРИФИНГ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимининг иختисослашган муассасаси ҳисобланиб, у ўз оилани ижтимоий адолат таъминларини, халқаро қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суришни мақсад қилган.

Ўзбекистон 1992 йилдан ХМТ аъзоси сифатида ишб ташкилотнинг талай Конвенцияларини ратификация қилган. «Болалар меҳнатининг оғир шакллари»ни тақиқлаш ва йўқ қилишга доир чоралар тўғрисида»ги 1999 йилги 182-сонли Конвенция ана шулар жумласидандир. ХМТнинг ратификация қилинган 138, 182-сонли Конвенцияларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан Миллий ҳаракат режаси тасдиқланган бўлиб, у болаларнинг мажбурий меҳнатга, унинг ҳар қандай шакли ва кўринишларига йўл қўймайлик-

ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-сонли Конвенция талабларининг миллий қонунчиликка татбиқ этилишини таъминлайди.

Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар давлатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан уйғунлаштиради.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам маъмурий-ҳуқуқий тармоғи шаклланиб бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва бошқа қонун меъёрлари билан кафолатланган. Бундан ташқари, бола ҳуқуқлари Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури, Ўзбекис-

тон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Мақтаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳамда «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Оила йили», «Саломатлик йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» сингари давлат миқёсидаги дастурларда мустаҳкамлаб қўйилган.

ХМТнинг ратификация қилинган Конвенцияларини илчил амалга ошириш, бу борада қонунчиликни янада такомиллаштириш ва зўрлаб ишлатишга ёки мажбурий меҳнатга йўл қўймасликка қаратилган қўшимча чоралар билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси 2012 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни 2012-2013 йиллар мобайлида амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида

қарор қабул қилди. Республика Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик УЎзбекистон Миллий матбуот марказида «Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ишлар, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, болалар меҳнатининг оғир шакллари»ни тақиқлаш ва йўқ қилиш юзасидан қўйилаётган чоралар тўғрисида» ўтказилган брифингга ана шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликнинг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедовнинг мавзуга доир маърузаси тингланди. Вазириликлар ва бошқа идоралардан иштирок этган вакиллар журналистларнинг саволларига афрофлича жавоб беришди.

Брифингга Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раис ўринбосари Н.Аллаёров ва ЎзКУФ бўлим мудири М.И. Саев иштирок этди.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касба уюшмаси Қўнрай туман кенгаши раиси Зокиржон Шорақмедовга онаси

БУХОЖАР аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИДАГИ ҲАЁТ

Бу ерда ҳар тонг бир хил бошланиди. Нонуштадан сўнг ҳамма ҳовлига чиқиб, хизматчилар билан баравар ҳовлини тозалашга киришади. Барча бирдек жон койитиб, атрофини ёғ тушса ялагудек қилиб саришталаб қўяди...



Яхшиямки, сиз бор экансиз

Худудда 10 та хонадон жойлашган. Ҳар бирида 7-8 нафар тарбияланувчи бор. Улар учун ҳақиқий оила муҳитини яратиш шайхона ҳодимларининг асосий мақсади ҳисобланади.

«Камалак» рақс дастаси, «Гулистон-2» футбол жамоаси, «Ширинтой» кўғирчоқ театри, «Гунча» кувноқлар ва зукколар жамоасида уларнинг истеъдод ҳамда маҳорати сайқал топмоқда.

Болаларнинг қувончи — менинг шодлигим, — дейди у. Ҳар бир бола руҳиятига худди аскардек сергак эътибор қаратамиз. Улар ҳеч нарсадан кам бўлмай яшаётди. Уларни қўриб, бадавлат оиланинг фарзандлари дейсиз.

Футбол машғулотирага қатнашяпти. Кайфияти яхши. Тарбиячиларни «она» деб қаҳради. Яна бир қизимизнинг отаси вафот этган, онаси бошқага турмушга чиққан. Укаси билан бу ерга келганда. Ҳозир у 18 ёшда. Коллежда ўқияпти. Ҳар гал кўришганимизда:

«Болалар шаҳарчаси» кутубхонаси бадиий, илмий-услубий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган. Ҳар бир хонадонда «Манабият бурчаги» ташкил этилиб, адабиётлар билан бойитилди.

Тарбияланувчилардан бири тўққиз карра, яна бири икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлиб, вилоят ҳокимининг қимматбахор совғалари билан таъдирланди. «Гулистон-2» футбол жамоаси эса болалар ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигида икки йил совриндорликни қўлдан бермади.

Худимларимиз масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда иш олиб боришяпти. Гулчехра Усмонқуллова, Марина Пиримқуллова, Барно Каримова, Шоира Исаева каби тарбиячилар болаларнинг ўз онасига айланган. Турфа тақдирли ўғилқизларнинг қалбига йўл топши осон иш эмас.

Покиза опа билан суҳбатлашди, буюк адиб Лев Толстойнинг: «Ҳақиқий донинсондир киши хушчақчақ иншоидир», деган фикрига имон келтирдим. Ойиқ чехрари бу аёл бошчилигидаги тарбиячи ва ходимлар болалар ҳаётини севиб ва қадрлашни, меҳнаткаш, интилувчан бўлишни ўргатишяпти.

МУЛОҲАЗА

Бу ҳақда кўп гапирилган. Бундан кейин ҳам гапирилади. Бошқа илож йўқ. Ижозатингиз билан бебиасика пул топиб, «карнайлатиб» тўй қилган хонадонга тушган айрим келинларимизнинг аянчли қисмати ҳақида икки оғиз фикр билдирсам.

Оиласида иқтисодий муаммоси бўлмаган айрим хонадонларда атрофдаги одамларни менсимаслик, катта оғизлик, димоғдорлик, айбни ўздан эмас, ўзгадан қидириш иллатлари хийла урчиған бўлади. Бунга ҳаётдан юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Катта чиқимлар эвазига дангиллама тўй қилиб, келин олган баъзи хонадонларда муомала маданиятининг пастиги натижасида оилавий бузилишлар содир этилганига бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Келин бўлган билар...



Раф бой бўлиб, кудасининг қўли андак юқароқ бўлса, Худо урди даявернинг. Бундай келиннинг ҳолига вай, бундан бунёнги ҳаёти қоп-қоп гап-у, тинчилигини тўйгадан топ қабилди кечади.

«Аслида, бошқа бир оиланинг севимли фарзанди янги хонадонга қиз бўлиб келади. Шу боис хонадонга келин тушди, уни очик чехра, ширин сўз билан кутиб олиш талаб этилади. Ахир киндик қони тўқилган уйини, ота-онасини, ака-укаларини, опа-сингилларини тарк этиб, янги хонадонга келганда келиннинг шундоқ ҳам бир қур юраги уйишда. Уша хонадон эгалари янги келинни хушхулқлик билан, бисотларидаги энг яхши сўзлари билан эъзозлаша, бундай гамаҳурлик ва меҳрибонликлар унинг хавотирликлари, юрак гашиқликларини ёзиб, кўнгли очилади, оиласига, турмуш ўртоғига, хонадонига тез ўрганиб, меҳр қўяди.

«Ҳой, келинга номехрибон бўлган одамлар! Суоқли эр деб, саранжом уй-жойим деб эъзоз ва ҳурмат излаб келган навниҳол келиннинг нима гуноҳи бор?! Биргина бошига шунча надоматми? Ахир ёш келинга ҳар масалада маддадор ва меҳрибон бўлиниса, ўша тузи пастга озгина керагини ташлаш қилинса нима бўлади? Севган ота-онасини, уйини, барча жигаргўшаларининг нима эмас, ҳатто ўз эркининг бир чеккасини ҳам уйида қолдириб келган, бу ерга ахир! Сиз яхши муомала билан ишга буюргангизда одоб билан «хў» деб қушдай учинига тайёр туришига, қақир-

ганингизда «лаббай» деб фармонингизни кутиб олишига шай туришини қаран! Бунинг устига, келиннинг ота-онасини ҳам кўз олдимизга келтирайлик. Оруз-хаваслари бор-ку уларнинг ҳам! Ахир улар ҳам ўз фарзандларининг бахт-саодатлари, осуда ҳаётлари ва ижтимоий фойдали меҳнат қилишларига қаратилган. Улар бунга яхши биладилар ва қадрига ҳам етадилар. Шу боис янги оилага раҳна солишга уринаётган баъзиларга шунга қатъият билан айтишимиз келадикки, биз тилга олган масалалар устида чуқурроқ ўйлаб, тегишли хулосалар чиқариш пайти келди. Акс ҳолда, уйингизда на бахтиёр келин, на зий ёки фэйз бўлади. Келин улғурор бир зотдир. Янги баҳодирлар ва бахтиёр ўғлонлар силсиласи ундан — келиндан бошланади.

СПАРТАКИАДА

АЁЛ САЛОМАТ БЎЛСА...

Юртимизнинг турли гўшаларида аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад — жамиятнинг энг муҳим бўғини бўлими оилани жисмоний тарбияга кенг жалб этишдир.



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман бирлашган қўмитаси Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда «Белтепа» спорт мажмуасида умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган аёл мураббийлар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этди.

Спорт мажмуасига 34 та умумтаълим мактабидан 170 нафар мураббий ташриф буюриб, стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, баскетбол тўпини саватга ташлаш каби мусобақаларда синовга киришишди.

— Юртимизда аёллар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилётгани биз аёлларни бирдай хурсанд қилмоқда. Бунда аёл мураббийларнинг ўрни алоҳида. Шу боис ҳам бугунги мусобақамизни айнан улар учун ташкил этдик, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман бирлашган қўмитаси раиси Дилнора Улмасова.

Қақонлик ва сергаклик талаб этиладиган стол тенниси баҳсларида 137-умумтаълим мактаби вакиласи Х. Абдуллаева голиба деб топилган бўлса, 42-умумтаълим мактабидан М. Назарова ва 299-умумтаълим мактаби спортчиси Г. Холмўминовага кейинги ўринлар насиб этди.

Швейцарча услубда ўтказилган шахмат беллашувларида эса 41-умумтаълим мактабидан Г. Ортиқованинг қўли баланд келди. 84-умумтаълим мактабидан С. Боймуродовага иккинчилик насиб этган бўлса, 254-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ж. Қўшқобоева учинчи ўринни эгаллади.

Кизгин курашларга бой бўлган енгил атлетика (60 ва 100 метрга югуриш, турган жойидан узунликка сакраш) баҳсларида 42-умумтаълим мактаби вакиласи М. Муродовага тенг келадигани топилмади. 13-умумтаълим мактабидан С. Рамазонова ҳамда 20-умумтаълим мактабидан З. Раҳмонова совриндорлар сафидан ўрин олдилар.

Шахматнинг «укаси» — шашка бўйича беллашувларда 157-умумтаълим мактаби спортсевари Н. Қодирова шохсупанинг энг юморисини банд этди. 167-умумтаълим мактаби вакиласи С. Назарова ва 40-умумтаълим мактаби спорт мураббийи Н. Таниқуллова эса кейинги ўринларни банд этишди.

Иштирокича ва голибларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири. Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.

Advertisement for O'KUF FTUU (Muassis) containing contact information, address, and services. Includes details about the organization's location in Tashkent and its focus on sports and education.